



# Ishonch

Моҳият

Кучли  
ижтимоий  
сиёсат —  
иқтисодий  
ўзгаришлар-  
нинг ишончли  
кафолати.

Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

## Янги кун

**Сирдарё**  
Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига кўплаб янги иш ўринлари яратилмоқда. Биргина Сайхунобод туманида йил бошидан буён бешта корхона ишга туширилди.  
— Истеъмолчилар талабини эътиборга олиб, полиэтилен плёнка ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик, — дейди тадбиркор Э.Саидов. — Кунига 3,5 тонна маҳсулот ишлаб чиқаряпмиз. Иккинчи босқичда суткасига 20 километр узунликда кабел ишлаб чиқаришни ҳам ўзлаштирдик. Маҳсулотнинг асосий қисми экспортга жўнатилмоқда. Тадбиркорлар савий-ҳаракати билан йил давомида 25 мингта янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган бўлиб, ҳозиргача 14 мингдан ортиқ киши ишли бўлди.

## Навоий

«Кармана мебел савдо» МЧЖ раҳбари Ғайрат Ражабов ички имкониятдан унумли фойдалана олган ишбилармонлардан. У 6 гектар ерда иссиқхона ташкил этди. Сарф-харажатлари учун «Алоқабанк»нинг Навоий филиалидан кредит ажратилди. Хадемай, иссиқхонадаги ишлов берилган унумдор ерларга помидор, бодиринг, лимон уруғлари қаддалди. Қишда шахарликлар дастурхони ёздагидай сархил сабзавотларга тўлади. Иссиқхона тўғрисида 70 нафар ёш иш билан таъминланди.

## Андижон

Бозорларда сотувчи ва харидорларга қўлай шaroитлар яратиш мақсадида Булқобчи тумани «Дехон ва озиқ-овқат бозори» МЧЖда замонавий гўшт сотиш павилиони ишга туширилди. Жами 32 та ўринга эга бўлган савдо растанда маҳсулотларни сифатли сақлаш учун барча қўлайликлар мавжуд.


## Қашқадарё

Қаршининг қадимий номи билан аталувчи Насаф кўчасида «Шамс юрт» савдо мажмуаси қад ростлади. Ушбу курилишга Касби туманидаги «Юрт ризқи» масъулияти чекланган жамияти 150 миллион сўм маблағ ажратиб, хайрли ишга қўл урди. «Мустақиллик» маҳалласида «Насаф оқшоми» МЧЖ томонидан 200 миллион сўм маблағ ажратилиб, барча қўлайликка эга «Осуда» меҳмонхонаси барпо этилди.

## Фаргона

Марғилон шаҳридаги банк коллежи ахборот-ресурс маркази ўқувчиларнинг маънавий баркамол бўлиб ўлғайишида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. 10595 та китоб фондидан 1418 нафар китобхона баҳраманд бўлмоқда. Марказ хизматида «Теракта-ги» ва «Галатой» маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолиси ҳам фойдаланмоқда. Зиё масканида ўтказилаётган адабий кеча, давра суҳбати ва бошқа маданий-маърифий тадбирлар ўқувчиларнинг дунёқарашини кенгайтирмоқда. Айниқса, «Ғазал мулкининг султони», «Шу азиз Ватанда азиздир инсон», «Либос — зийнат», «Гийҳандлик — аср вабоси», «Терроризм — тараккият душмани» мавзудаги давра суҳбатлари китобхоналарда катта таассурот қолдирди.

Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг илк бакалаврлари ва магистрларига халқаро тоифадаги дипломлар топширилди.



О. МИРСОАТОВ (ЎЗА) олган суратлар

## Битирувчиларга дипломлар топширилди

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўринбосари Махид Каримов ва бошқалар давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида таълим соҳасини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади. Таълим тизимидаги ислохотлар жараёнида халқаро ҳамкорликка катта эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2007 йил 5 сентябрда қабул қилинган қарорига асосан ташкил этилган Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти ушбу йўналишдаги ишларнинг амалдаги яна бир ифодасидир.  
Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтида тадбиркорлик ва менежмент, бизнес ва маркетинг, банк иши ва молия, бизнес соҳасида замонавий ахборот технологиялари, бухгалтерия ва молия, саноат менежменти, туризм ва меҳмонхона хизмати йўналишлари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрланмоқда. Бу ерда академик жараён Сингапур менежментни ривожлантириш институти (СМРИ) томонидан ташкил

этилган. Битирувчиларга Сингапур менежментни ривожлантириш институти дипломи ва ҳамкор университет дипломи топширилади. Ўзбекистон Республикасида олий таълимнинг тўғрисидаги ҳужжат сифатида эътироф этиладиган назарда тутилган дипломнинг мазмун-муносабатлари Сингапур СМРИ томонидан берилган илмий даражага тенгдир. Институт Франция, Буюк Британия ва Австралининг жаҳонда тан олинган Bradford, Wales, Southern Cross каби нуфузли университетлари билан ҳамкорлик ўрнатган.  
Институтнинг замонавий компютер техникаси билан жиҳозланган ресурс маркази ҳам ўқув, ҳам электрон кутубхона вазирасини баҳаради. Айни пайтда бир юз эллик мингдан зиёд китоб захирасига эга кутубхона, мультимедиа студияси, ўқув, компютер хоналари, аудиториялар, илмий-маърифий тадбирлар учун мўлжалланган заллар ҳам талабалар иштирокида. Бу ердаги спорт мажмуаси оқиб ва ёпиқ заллари, минифутбол, баскетбол ва волейбол майдончалари, югуриш йўлақлари, сузиш ҳавзасини ўз ичига олган. Буларнинг барчаси ёшларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний тарбия ва

спорт билан мунтазам шуғулланишига хизмат қилаётди.  
Ушбу олий ўқув юрти мамлакатимизда инглиз тилидан таълим бераётган ўқувчилар малакасини оширишга ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Бу ерда юртимиздаги кўплаб академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун инглиз тили курслари ташкил этилган. Институтда, шунингдек, соҳага оид турли илмий-амалий анжуманлар, видео-конференциялар, ўқув семинарлари, байрам дастурларини ташкил этиш аънаънага айланган.  
— Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг илк битирувчилари бўлиб — шараф, — дейди банк иши ва молия факультети бакалаври Ботир Қобилов. — Биз, ёшларнинг замонавий талаблари асосида таълим олиб, етук мутахассислар бўлиб етишимиз йўлида кўрсатилган бундай улкан ҳамқўриқ ва эътиборга жавобан Ватанимизнинг иқтисодий тараққиётига ўз ҳиссамизни қўшим — бурчимиз.  
**Ирода УМАРОВА,**  
ЎЗА муҳбири

## Барқарорлик ва юксалиш дастури

Тошкент давлат иқтисодий университетининг ректори Нодир ЖУМАЕВ билан суҳбат

— Маълумки, 2010 йилнинг 12 ноябрда мамлакатимиз Президентини Ислом Каримов «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да давлат аҳамиятига молик муҳим вазифаларни ҳал этишда давлат ҳокимияти тармоқларини, хусусан, парламентни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, сиёсий партияларнинг ролини ошириш, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизими, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, шунингдек, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодий либераллаштиришга қаратилган бир қатор қонунчилик ташаббусларини илгари сурган эди.  
Айтинг-чи, бугунги кун нуктаи назаридан олиб қараганда мазкур Концепциянинг қабул қилиниши зарурати кўпроқ нималарда кўринади?  
— Ўзбекистон ўз иштиқолининг дастлабки кунларидан ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий қадрият ҳисобланадиган фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлини танлади. «Ўзбек модели»га асосланган мазкур эволюцион ривожланиш йўли ижтимоий тараққиётнинг ҳар бир босқичида кейинги сифат жиҳатдан янги босқич учун ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий шарт-шaroитларни яратмоқда.

Эътибор берадиган бўлсак, Ўзбекистон, бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади, деган сохта тасаввурларга таянмасдан, «Янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузмав», «Ислохотлар ислохот учун эмас, аввало инсон учун», деган машҳур ҳаётий қоидаларга асосланиб, ривожланишга тадрижий ёндашган ҳолда, ислохотларни изчил ва босқинча-босқинча амалга оширмоқда.  
Бу, ўз навбатида, давлат ва унинг конституциявий қурилишини поғона-поғона, қадам-қадам тубдан ўзгартириш ва янгилаш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда чуқур демократик ислохотларни олиб бориш имконини бермоқда.  
Айни вақтда биз танлаган модел, чуқур ўйланган ва изчил амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларнинг устувор йўналишлари юртимиздаги сиёсий тизим, фуқаролик жамияти, миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ва жадал ривожланиши, аҳоли турмуш даражасининг юксалишига, унинг сиёсий, ҳуқуқий маданияти изчил олиб бориши учун мустаҳкам ва ишончли пойдевор яратди.  
Шу билан бирга, Президентимиз таъкидлаганидек, «...эришилган бундай марралар — барқарор ривожланиш бераётган иқтисодиётга асосланган, очик демократик ҳуқуқий давлат қуриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини сўзда эмас, амалда олий қадрият даражасига кўтариб, жаҳон миқёсида обрў-эътибор қозонган жамият барпо этиш борасида биз ўз олдимишга қўйган юксак мақсадга қаратилган узоқ ва мураккаб йўлни ҳар қисми, ҳолос». (Давоми 3-бетда)

## Раёсат йиғилиши

Ўзбекистон авиациончилари касба уюшмасининг навбатдаги раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бир қатор касба уюшма кўмиталари фаолиятига доир муҳим масалалар муҳокама этилди.

## Устувор вазифа

Тадбир давомида бошланғич ташкилотлар фаолиятини Юртбошимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» тўғрисидаги маърузасидан келиб чиқувчи вазифалар, амалдаги қонунлар ҳамда устувор йўналишлар асосида ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилган таъкидланди.  
Раёсат йиғилишида турли масалаларга оид тегишли қарорлар қабул қилиниб, тармоқ ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш ва саломатликларини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар бундан кейин ҳам касба уюшмаларининг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолиши эътироф этилди.  
**Ўз муҳбиримиз**

## Камолот сари

# Катта мақсадларни кўзлаган авлод

Мамлакатимизда ёшлар билан боғлиқ таълим муассасалари, ташкилотларни қамраб олган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати жуда катта имкониятга эга. Негаки, бу жамоат ташкилоти нафақат ёшларга ҳар томонлама ёрдам беради, балки улар юрагининг туб тубида макон тутган орзуларнинг рўёбга чиқишига кўмаклашади.

Айниқса, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватловчи лойиҳалар эътиборини тортади. «Камолот» стипендияси, таълим гранти, ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга қаратилган танловлар шулар жумласидан. Таъкидлаш жоиз, 2006 йилдан буён ёшларнинг бўш вақтини фойдаланиш мақсадида жалб этиш, вақтинчалик иш билан таъминлаш ва қўшимча даромад олиши учун имкон яратиш мақсадида «Камолот» ЕИХ ташаббуси билан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида «Олий таълим муассасалари талабалари, шунингдек, кенг ёшлар қатлами ўртасида меҳнат ҳаракати фаолиятини ташкил этиш» лойиҳаси амалиётга таъкил этиб келинган. Бундан ташқари, «Меҳнат жамоасида «Камолот» лойиҳаси, Ҳаракатнинг корхона, ташкилот ва муассасалардаги бошланғич ташкилотлари ўртасида «Энг намунали бошланғич ташкилот» республика кўрик-танлови ўғил-қизларнинг янада фаоллашу-

ларининг қўшма мажлисидида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» юзасидан қилган маърузаси бўйича ҳам ўз босқичи «Концепция — мамлакатимиз тараққиётининг кафолати» номли тарғибот лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ҳаракат томонидан ушбу вазифани амалга оширишда «Тенгдош-тенгдошга» усулидан фойдаланилди. Натияжада, тарғибот ишларига иқтидорли талабаларни кенг жалб этиш мақсадида Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасаларидан танлаб олинган 1600 нафар талабадан иборат фаол ёшлар гуруҳлари шакллантирилди. Концепциянинг мазмун-моҳиятини акс эттирилган кўргазмалар воситалари, қўлланма ва дастур ишлаб чиқилди. Шунингдек, «Бунёдкор» телеклуби томонидан «Ватан равнақи йўлида бирлашайлик!» мавзуда ижтимоий ролик тайёрланиб, жойларда намойиш этилди.  
**(Давоми 4-бетда)**

## Матбуот анжумани

Кейинги йилларда ахборот технологияларининг ривожланиши гидрометеорологик хизмат кўрсатиш тезкорлиги ва сифатига ижобий таъсир кўрсатди.  
Маълумки, Ўзгидромет Ўзбекистонда гидрометеорология соҳасидаги масалаларни ечишда ягона давлат бошқарув органи ҳисобланади. Айнан шу соҳа вакиллари иштирокида Миллий матбуот марказида матбуот анжумани ўтказилди.  
Анжуманда марказнинг илмий-тадқиқот, халқаро ҳамкорлик, тезкор прогнозтик фаолияти хусусида фикр юритилди.

## Атроф-муҳит муҳофазаси

Хавфли гидрометеорологик ҳодисалар ва ноқулай метеорологик вазиятлардан огоҳлантириш мақсадида Тошкент, Нукус, Самарқанд шаҳарларида янги метеолокаторларни ишга тушириш бўйича ишлар якунланмоқда. Бу эса қишлоқ ва халқ ҳўжалиги ҳамда авиация соҳасида янада ишончли ва сифатли хизмат кўрсатишга имкон беради.  
Бугунги кунда Ўзбекистонда 78 та метеорологик, 19 та гидрологик станция, шу жумладан, ихтисослаштирилган 3 та кўл, 3 та кор қўқиси станцияси ишлаб келмоқда. Уларга 129 та пост бириктирилган. 15 та авиаметеостанция, 1 та баландлик метеоконкомплексига ва 1 та фон мониторинг станциясида кузатувлар олиб борилаётди. Айтиш жоизки, Ўзгидромет минг йиллик декларациясида эълон қилинган ривожланиш мақсадларини амалга оширишда фаол иштирок этмоқда.  
**Сайёра ШОДИЕВА,**  
«Ishonch» муҳбири





### (Давоми. Боши 1-бетда).

Хозирги пайта аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва иқтисодий оғ даражасининг ўсиб бориши, юртимизда кўппартиявийлик тизимининг тобора мустақамланиши давлат ҳокимиятининг учта субъекти, яъни давлат боши бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланиши таъминлаш учун зарур шароитларни юзага келтирди.

Хозирги глобаллашув даври дунёда юз бераётган туб ўзгаришлар жараёнида тобора урта бораётган талабларга уйғун ва ҳамоҳанг қадам ташлаш, демократик ислохотларни давом эттиришни талаб қилмоқда.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда мазкур концепциянинг қабул қилиниши биз бу йил 20 йиллигини нишонлаган давлатимиз мустақиллигининг биринчи кунларидан бошланган мамлакатимизни демократик аниқлаш ва модернизация қилиш борасидаги кенг қўллаш ислохотларимизнинг мантиқий давомидир.

Президентимиз таъкидлаганларидек, «...сиёсий тизимни исчи демократлаштиришдан, суд ҳокимиятининг мустақиллигини,

тида масъулиятни ўз зиммасига олиши зарурлиги аниқ белгилаб олинганлиги;

- Ўзбекистонда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуқсиз ишлаши таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилганлиги ва зарур ресурслар базасининг мавжудлиги;

- оқилона ташқи қарз сибсати олиб боришганилиги;

- аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини исчи ва олдидан ошириб бориш ҳамда истеъмол бозорига нархлар индексининг асосиз тарзда ўсишининг олдини олишга доир чора-тадбирларнинг исчилик билан амалга оширилганлиги;

- давлатнинг молиявий-иқтисодий ва банк тизимларининг нечоғлик барқарор ва исчилик эканлиги, уларнинг ҳимоя механизми кенчалик кучлилиги билан исчилик.

Кўринадик, мустақил тараққиёт даврида, жумладан, глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида мамлакатимиздаги иқтисодий-иқтисодий ривожланиш вазибаларини тўғри ҳал

муносабатларига асосланган ҳар қандай демократик ҳуқуқий давлатнинг, фуқаролик жамиятининг муҳим бурчи, вазибаси ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам Концепцияда бозор иқтисодиётининг негизи ҳисобланган хусусий мулкка нисбатан давлат томонидан берилган асосий қафолатларни мустақамлашга қаратилган «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида»ги Қонуни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурлиги кайд этилди.

Шу билан бирга, иқтисодиётда бошқарув тизимини такомиллаштириш, ортқича бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, тadbиркорлик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган рўхсат бериш тартиби-қоидаларининг қатъий чекланган рўйхати ва турларини аниқ белгилаб қўйиш, қонунда назарда тутилмаган ортқича рўхсатнома ва рўхсат бериш тартиби-қоидаларининг янги турлари киритилишини қонун билан кескин тақиқлашга қаратилган «Тadbиркорлик фаолияти соҳасида рўхсат бериш тартиби-қоидалари тўғрисида»ги Қонуни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш муҳим аҳамият касб эти-

ларни исчилаш, жамоатчилик назоратининг предметини, унда фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек, бундай назоратни амалга оширишда давлат ҳокимияти ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, жамоатчилик назоратини амалга ошириш талаб ва қоидаларини аниқ белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ. Зеро, жамоат назорати давлат хизматчилари ёки органларнинг Конституция ва қонунларга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига дахлдор ҳужжатларга риоя этилишини жамоатчилик тартибда ўрганишни назарда тутди.

Шундай эмасми? Президентимиз таъкидлаганидек, фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик кадрлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилга айланмоқда. Фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг иқтисодий, социал-иқтисодий фаолияти ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаат-

шериклик — турли хил фикрга эга бўлган фуқаролар ва турли гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлигидир. Шу маънода, қабул қилинажак «Иқтисодий шериклик тўғрисида»ги қонуннинг иқтисодий-иқтисодий тараққиёт дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларини ҳал этиш, мамлакат аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқий, эркинликларига ва манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат органларнинг давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабати ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришдаги аҳамияти қандай бўлиши лозим?

— Энг муҳим иқтисодий-иқтисодий дастурларимизни амалга ошириш, гуманитар муаммоларини ҳал этиш, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликларига, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаш ва ҳуқуқий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш каби масалаларнинг ҳуқуқий

# Барқарорлик ва юксалиш дастури

сўз ва ахборот эркинлигини, сайлов эркинлиги ва сайлов тизими ривожини таъминлашдан, фуқаролик жамияти институтларини шакллантиришдан, фуқароларимизнинг сиёсий оғи, иқтисодий-иқтисодий фаолияти ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришдан туриб бозор ислохотлари ва иқтисодиётни либераллаштиришни таъминлаб бўлмайди. Ва бунда тадрижий тараққиётни, амалга оширилаётган ислохотларни чуқурлаштиришда узвийлик ва исчиликни таъминлаш фауқуллода муҳим аҳамият касб этади.

Айниқса, бунда ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро тўғри туриш ва манфаатлар мувозанатининг, давлат ва жамият олдида турган вазибаларни ҳал этишда ўзаро келишилган ҳолда фаолият юритиш ва ҳамкорлик қилишини самарали механизмларини яратишга қаратилган ислохотларни давом эттириш белгилаб берилганлиги катта аҳамият касб этади.

Глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида «Ўзбек модели» ўзининг нақадар исчилик ва асосли эканлиги бундан намойиш бўлади.

Ҳолбуки, ушбу инқироз оқибатлари дунёнинг аксарият давлатларида иқтисодий-иқтисодий ривожланишга катта салбий таъсир кўрсатди.

Сизингча, молиявий-иқтисодий инқироз даврида «Ўзбек модели»нинг аҳамиятли жиҳатлари нималарда намойиш бўлади?

— Дарҳақиқат, бугунги кунда ҳам жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида ўзининг асосатли оқибатларини намойиш этиб келаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз ўзининг кўлами, таъсир кучи, жаҳон ҳўжалигига етказган таъсиратини микёб билан ажратиб, хозиргача инқироздан бошқидан кечирган инқирозлар «рўйхати»да ўзини хос ўрин эгаллади.

2008-2010 йилларда, яъни дунёнинг аксарият мамлакатларида иқтисодий ўсиш суръатлари сезиларли равишда тушиб кетган, иқтисодий исчилик чикариш кескин пасайиб, рецессияга юз тутган бир вақтда, Ўзбекистонда яъни ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 2008 йилда 9 фоизни, 2009 йилда 8,1 фоизни, 2010 йилда 8,5 фоизни ташкил этгани, 2011 йилда эса 8,3 фоиз даражасида бўлиши кўзда тутилётгани муҳим аҳамиятга эга.

Бу, биринчи навбатда, дунёда «Ўзбек модели» номи билан танилган иқтисодий исчилохотлар стратегиясининг ўзини тўла-тўқис оқлаганлигини, хозиргидек мураккаб вазибалар эса Ўзбекистон танлаган йўлининг нақадар тўғрилигини яна бир бор тасдиқлади.

Ҳақиқатан ҳам, жаҳоннинг етакчи иқтисодчи ва сибсатчилари томонидан эътироф этилаётган жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистонга таъсирини пасайтиришда асосий рол ўйнаган қўйилган омилиларнинг ҳар бири айнан «Ўзбек модели»нинг беш таъминлагичи амал қилишининг натижаси, десак хато қилмаган бўламиз. Яъни:

- маъмурий-бўйрукбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишининг босқичма-босқич амалга ошириш йўли танланганлиги;
- давлат бозор исчилохоти сифа-

этишда «Ўзбек модели» тамойилларидан келиб чиқилиши бугунги кундаги юксак натижаларимизнинг муҳим асоси ҳисобланади.

— Концепцияда бозор исчилохотлари ва иқтисодиётни бошқаришни эркинлаштириш жараёнини жадаллаштиришга, хусусий мулк ва тadbиркорликка оид ҳуқуқий қафолатларни кучайтириш, миллий иқтисодиётда кичик бизнес улшини кўпайтириш ва рақобатни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу вазибалар ижросини таъминлаш учун биринчи галда қандай ишларни амалга ошириш лозим?

— Ҳақиқатан ҳам олдимизда демократик бозор исчилохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш бўйича кенг миқёсдаги ишлар турибди. Уларни амалга ошириш жараёнида Концепцияда баён этилган иқтисодий исчилохотларни янада чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишининг стратегия йўналишларини исчиболдгаги ривожланишимизнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Уни биз қўйилганларда кўришимиз мумкин:

- барқарор макроиқтисодий ўсишни таъминлаш;

- мамлакатимиз иқтисодиётига инвестицияларни фаол жалб этиш;

- банк-молия соҳасини янада исчилохот қилиш;

- санаот, кишлққ ҳўжалиги ва инфратузилма соҳаларининг барқарор ва мутаносиб ривожланишини таъминлаш;

- ички эҳтиёжнинг ўсишига йўналтирилган иқтисодий соҳани янада юксалтириш ва бошқарар.

Айни вақтда 2011-2015 йилларга мўлжалланган, бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқ бўлган тўртта стратегик дастурни амалга ошириш чора-тадбирларни фаол бошлаб борилади.

Ушбу дастурларда санаот, инфратузилма, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантириш, молия-банк тизимини янада исчилохот қилиш ва барқарорлигини ошириш, юртимизда қулай исчилик, тadbиркорлик муҳитини ҳамда уни баҳолашнинг халқаро мезонларини шакллантириш кўзда тутилган.

Эътибор берадиган бўлсак, Концепцияда янги қонунлар ва амалдаги қонунларга киритиладиган ўзгаришлар билан ҳисоблаганимизда, жами 50 дан ортқи қонунлар назарда тутилмоқда. Уларнинг 15 дан ортқи бевосита демократик бозор исчилохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада либераллаштириш билан боғлиқ.

Айниқса, бунда кўп уқладли иқтисодиётда устувор мулккага эга бўлган хусусий мулкнинг ҳуқуқий ва ҳимоясини мустақамлаш, хусусий мулкдор қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган мулкнинг дахлсизлигини таъминлайдиган исчилик қафолатлар тизимини яратиш, тadbиркорлар ўз бизнесига беҳавотир инвестиция киритиши, исчилик чикариш фаолиятини кенгайтириши, маҳсулот ҳажми ва олаётган даромадини кўпайтириши, ўз мулкига ўзи оғалик қилиши, фойдаланиши, тасарруф этишига тўлиқ шарт-шароит яратиш бозор

иш таъкидланди.

Мамлакатимиз иқтисодиётига инвестицияларни фаол жалб этиш, банк-молия соҳасини исчилохот қилишда, мамлакатимиз молия-банк тизимининг янада мустақамланиши хусусий банклар ва хусусий мулкка асосланган лизинг, суғурта компаниялари, кредит уюмлари, микро-молиявий ташкилотлар каби молиявий институтларни ташкил этишининг қонунчилик асосларини шакллантириш, шу шибидан банк-молия соҳасига хусусий капитални жалб қилиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Мазкур вазиба ўз навбатида, банк ва бошқа молиявий хизматлар бозорига рақобатнинг кенгайиши ҳамда миқозларга хизмат кўрсатиш сифатининг ошишига имкон беради ва энг юксак халқаро стандартлар талабига мос замонавий бозор инфратузилмасининг ривожланиши учун шароит яратди.

Концепцияда, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларини ташкил қилиш йўлларини соддалаштириш, уларнинг фаолияти учун кўпроқ эркинликлар бериш, ушбу секторни кредитлаш, ресурслардан фойдаланиш, давлат буюртмаларини олиш, тadbиркорлик субъектлари ишлаб чикараётган маҳсулотларини сотиш учун янги имтиёзлар бериш, молия ва статистика ҳисоботлари тизимини янада соддалаштириш, ҳисоботларни ваколатли давлат органларига электрон шаклда тақдим этиш каби механизмлар ҳисобидан қўлбақувватлашни назарда тутувчи «Тadbиркорлик фаолияти эркинлигининг қафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг янги тахририни тайёрлаш зарурлиги кайд этилди.

Бу борадаги салмоқли ишлар доирасида Президентимиз томонидан жорий йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йили» деб эълон қилиниши, Давлат дастури қабул қилинганлиги, мамлакатимизда қулай тadbиркорлик муҳитини яратиш борасида чикарилаётган қарор ва фармонларни алоҳида таъкидлашни истар эдим.

Бу, ўз навбатида, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни иқтисодиётнинг реал секторидан, санаотда етакчи ўринга чиқаришга, энг асосийси, исчилик ривожланиётган фуқаролик жамиятида инсонларнинг иқтисодий фаолиятини турли ва шакллари эркин танлаш, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этиш, жамиятда ўрта синф қатламларини янада кенгайишидаги, аҳоли турмуш даражасини юксалишидаги имкониятларимизни янада оширади.

Амалга оширилаётган ишлар доирасида замонавий бозор иқтисодиётини эволюцион ривожланишини таъминлашга хизмат қиладиган «Инновациялар ва иқтисодиётни модернизация қилиш тўғрисида»ги ва бошқа қатор янги қонунларни ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

— Юртбошимиз томонидан Концепцияда кайд этилганидек, жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари белгилаб олиш айни заруратдир. Қонун лойиҳасида асосий тушунча-

лар мувозанатини таъминлашга қўлбақувватланди.

Бундай ташкилотларнинг обрўси ошиб, мустақамланиб боргани сари фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги рол жамиятимизда тобора ортқи бормоқда.

«Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини амалга ошириш жараёнида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизми, амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг жавабгарлиги шартлари белгилиниши муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва назорат органлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилиниши таъминлаш, жамиятда инсон ҳуқуқларини бўйича маданият-ишчилик шакллантириш ва шу каби бошқа соҳаларга оид қонунларга риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторингини олиб беришни тақозо этади.

Аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликларини, манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг самарали ҳуқуқий механизмларини яратиш борасида фуқаролик жамияти институтлари ва давлат тузилмалари ўртасида иқтисодий шериклини янада мустақамлаш бўйича қонунчиликни, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш масалаларини кун тартибига чикаради.

Айни вақтда жамоатчилик назоратининг бир қатор шакллари Ўзбекистон касабда уюшмалари, Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Федерациялари, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида қўришимиз мумкин. Уларнинг қонуний асослари Ўзбекистон Республикаси «Меҳнат кодекси»да, истеъмолчи ҳуқуқлари тўғрисидаги, аҳолининг иқтисодий ҳимояси тўғрисидаги, ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонунларда мустақамланиб қўйилган.

Концепцияда, қайд этганидек, жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектларини, назорат предметини, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини, шунингдек, мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг жавабгарлиги шартлари белгилаб қўйилиши кўрсатиб ўтилган.

— Концепцияда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини янада ривожлантириш, амалга оширилаётган исчилохотларнинг очик-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда, уларнинг ҳуқуқий демократик давлат қуришидаги ролини кучайтиришда «Иқтисодий шериклик тўғрисида»ги қонун қабул қилиниши лозимлигига эътибор қаратилди. Маълумки, иқтисодий

ассосига эҳтиёж мавжуд.

Ҳеч мулобағасиз, «Иқтисодий шериклик тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик институтларининг жамият ҳаётидаги ролини янада кучайтиришга, фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократлаштириш ва мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви жараёнини тезлаштиришга хизмат қилади.

Иқтисодий шерикликнинг устувор йўналишлари бўлган соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, иқтисодий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш ва шу каби катта социал аҳамиятга молик бошқа масалалар бўйича муҳим давлат дастурларини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокларини мустақам ҳуқуқий асосини яратиб беради.

Маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ҳудудларини иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришда, иқтисодий аҳамиятга эга бўлган муҳим давлат дастурларини ижро этишда, аҳолини тadbиркорлик, кичик ва оилавий бизнесга жалб этишда, ёшларни иш билан таъминлашда, маҳаллаларни оилавий бизнес ва иқтисодий ҳимоя марказига айлантиришда нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик институтларини ўзларининг исчилик шериги деб билишлари лозим.

Давлат, бизнес субъектлари жамиятнинг «ички сектори» деб ном олган фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро шериклини шартномавий асосда шакллантиришлари муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Меҳнат жамоаларида жамоа шартномаси, тармок шартномаси шаклидаги механизмлар ҳодимларнинг ишга бўлган муносабатларини мустақамлайди. Назарий жиҳатдан, иқтисодий шериклик тушунича жамоа шартномасига нисбатан кенг маънони билдирди.

Иқтисодий шериклик соҳаларига бандликни таъминлаш, аҳолини исчиликнинг дахлсизлигига қўйишга иш жойларини яратиш, ҳақ тўланадиган жамият ишларини ташкил этиш, ишлаб чикариш жараёнида техника хавфсизлигини таъминлаш, ишчи, хизматчиларнинг ишлаб чикариш жараёнида соғлигини сақлаш, иш ҳақининг ўзи вақтида тўланишини таъминлаш, муайян иш вақти ва дам олиш меъёрига эга бўлиш, корхона ва ташкилотни бошқаришда фойдани иқтисодий соҳага тақсимлашда, социал стандартларнинг минимал чегарасини белгилаш, ишчи ва хизматчилар иштироки ҳуқуқини таъминлашни киритиш мумкин бўлади.

Бунда давлат ўзида иқтисодий шериклик муносабатларининг ҳуқуқий базасини яратиш, иқтисодий дастурларни молиялаштириш функцияларини сақлаб қолади.

Давлат бизнес ва фуқаролик институтларининг ўзаро иқтисодий шериклиги асосида жамият аъзоларининг кенг қатламларининг ҳуқуқ ва манфаатларини рўёбга чиқариш асосида жамиятда барқарорлиқни, эволюцион ривожланишни таъминлаб беради.

«Ishonch» мухбири Жаҳонгир ШАРБАТБЕВ

## Дунё касабда уюшма ташкилотлари фаолиятидан

### Иш ўринлари қисқаради

Финляндиянинг «Nokia» телекоммуникацион технологиялар компанияси ҳодимлари сонини қисқартиришни режалаштирмоқда. Дастлабки тахминларга қараганда, бунинг оқибатида мамлакатда 300 киши ишсиз қолади.

Бу концернда аввал эълон қилинган қисқартиришларга қўшимчадир. Йил бошида «Nokia» компанияси ўзининг Финляндиядаги бўлимларида 1400 иш ўрни қисқартирилишини маълум қилган эди. Концерннинг бошқа мамлакатларда жойлашган бўлимларида эса жами 3500 иш ўрни қисқаради. Руминияда компаниянинг бутун бошли заводи ёпилаётгани туфайли, шундан 2200 ўрин шу мамлакатнинг «чекига тушади».

Хабарларга қараганда, компания эндиликда ўз маҳсулотларини Осиё мамлакатларида жойлашган заводларида ишлаб чикаради.

### Сомавиа истеъфога чиқади

Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) бош директори Хуан Сомавиа 2012 йилнинг иккинчи ярмидан ўзи икхтиёри билан истеъфога чиқишини эълон қилди. У ушбу қарорини маълум сабабларга кўра оиласига кўпроқ вақт ажратиши лозимлиги билан исчилохотди.

У ХМТ Маъмурий кенгашига ёзган хатида 2012 йилнинг 30 сентябриндан истеъфога кетишини маълум қилган.

Хуан Сомавиа ХМТ директорлигига учинчи бор сайланган бўлиб, сайлов мuddати 2014 йилнинг март ойида тугаши керак эди. Директорнинг сўзларига қараганда, шундай қарорга келишга 9 йил ва ХМТ бош директори сифатидаги 13 йиллик фаолиятдан сўнг уйга қайтишим ва оила билан бирга бўлишим лозим», деди у.

Хуан Сомавиа Чили фуқароси, ривожланаётган мамлакатларнинг ХМТ бошқаруви ҳаётидаги илк вакиллари дунёда бўлди. У хар томонлама адолатли меҳнат муносабатлари концепциясини тараққи қилди ва бу гоани ташкилотнинг бош мақсадлари қаторига қўйди.

### Ҳаракат бор, натижа йўқ

Белоруссия Демократик касабда уюшмалари конгресси (БДКК) идорасида Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) бош директори маслаҳатчиси Кари Тапиола ва мустақил касабда уюшма вакиллари учрашуви бўлиб ўтди.

Кари Тапиола мамлакатда махсус топшириқ билан келган бўлиб, унинг вазибаси ХМТнинг мамлакатда касабда уюшма ташкилотлари ҳақ-ҳуқуқлари бузилишини бартараф этиш борасида Беларуссия ҳукуматига берган тавсияларининг бажарилиши жараёнини ўрганишдир. Учрашув натижасида ХМТнинг юқори даражали вакили мавзуга доир маълумотларни «биринчи қўллардан» олди.

Учрашувда Тапиола мамлакатдаги мустақил касабда уюшмаларининг бугунги ҳолати, янги касабда уюшмаларини рўйхатдан ўтказиш жараёнидаги ижобий ўзгаришлар, жамоа музокараларининг қандай бораётгани, касабда уюшмалари фаолиятига ташқи арашув ҳолатлари билан қизиқди. Шунингдек, учрашув катнашчиларидан айни пайтда мамлакатда меҳнатқашлар ҳуқуқ бузилиш маслиги учун ҳукумат томонидан қандай чоралар қўрилиши мумкинлиги ҳақида аниқ тақлифлар билдирилишини сўради.

ХМТ тавсияларининг Беларуссия ҳукумати томонидан бажарилиши борасида эса у шундай деди: «Бу борада ижобий ўзгаришлар бор, деб бўлмайди. Жараёни қузатар эканмиз, айтиш мумкинки, қимирлаш бор-у, силжиш йўқ».

### Рақиблар ҳам бирлашади

Одатда ойлик маошлар микдори тўғрисида гап кетганда, Транспорт ҳодимлари халқаро Федерацияси (ITF) ҳамда иш берувчилар ўртасида тушунмовчиликлар юзага келар эди. Лекин сўнгги пайтларда денгизчиларнинг иқтисодий ҳолати, жиноятчилик, қароқчилик муаммолари борасида ҳар икки томоннинг фикри бир жойдан чиқа бошлади.

ITF бош директори Дэвид Кокрофт кема эгаларининг Лондонда бўлиб ўтган навбатдаги учрашувда сўзга чиқиб, шундай деди: «Биз денгизчиларга ёрдам бериш истагидида бўлганларнинг ҳаммаси билан ҳамкорлик қилишга тайёриэмиз». Шунингдек, у ўз нутқида «эски рақибларнинг эндиликда ҳамкорга айланганини» ҳам айтиб ўтди.

Халқаро музокаралар форуми (IBF) доирасида ўтказилган учрашувларда касабда уюшмалари ва кема эгалари маошларини оширилишига қарор қилди. Шунингдек, ишчиларнинг турмуш ва иш шароитларини яхшилаш билан боғлиқ бир қатор янгиликлар ишлаб чиқилди. «Биз IBF орқали иш ҳақи масаласига қанчалик масъулият билан ёндашишимизни кўрсатдик, — дейди ITF денгизчилар бўлими бошлиғи Стив Коттон. — Айни пайтда банклар билан музокараларни бошлашга тайёриэмиз. Чунки, ҳар қандай тўловларда

Бор бўлсин оқибат!

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, айниқса, болалар спортга эътиборни кучайтириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Кўнгиш ободлиги

Республикаимизда кўнгиш ярим инсонларга кўрсатилаётган эътибор ва гамхўрликлар ҳар қанча таҳсинга лойиқ, Мурувват уйларида тарбияланаётган болалар ҳаётига нур олиб кириши, уларни жисмоний тарбия ва спортга ошно этиш орқали саломатликларига ижобий таъсир ўтказиш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида ўтказилган жорий йилги спорт ўйинларининг финал босқичида Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги Мурувват уйларида тарбияланаётган 72 нафар болалар катнашди.

6 та жамоага бирлашган иштирокчилар спортининг минни футбол ва эстафета мусобақаларида қизгин беллашдилар. Иштирокчилардаги ғалабага бўлган ишонч, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик тадбир иштирокчилари томонидан оқлишлар билан қўби олинди.

Фолб жамоаларга Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси совғалари топширилди.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан мазкур спорт ўйинлари иштирокчиларининг барчасига спорт кийимлари ҳада этилди.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Матбуот хизмати

Катта мақсадларни кўзлаган авлод

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тарғибот тадбирларининг биринчи босқичи 2010 йилнинг 28 декабридан 2011 йилнинг 10 январига қадар республикаимизнинг барча ҳудудларида ўтказилди. 637 та маҳалла, мактаб, академик-лицей ва касб-хунар коллежларида давра суҳбати, конференция ва семинарлар ташкил этилди.

Бир қанча иштирокчи «Концепциянинг энг фаол тарғиботчиси» сифатида «Камолот» ЁИХ Марказий кенгашининг диплом ҳамда фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Тарғиботнинг иккинчи босқичи 2011 йилнинг 11 мартдан 11 апрелига қадар «Концепцияни ўрганиш ойлиги» доирасида ўтказилди.

Шунингдек, жойларда 4 миңдан ортиқ ёшлар иштирокида «Экологик назорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси муҳокамаи ўтказилди. Ёшлар томонидан билдирилган 70 га яқин тақлифдан 30 таси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ишчи гуруҳига тақдим этилди. Қонун лойиҳасининг тарғиботи юзасидан «Бунёдкор» телеклубида Ўзбекистон экологик ҳаракати билан ҳамкорликда «Она табиати» асраш йўлида» номли махсус фильм тайёрланиб, жамоатчиликка тақдим этилди. «Камолот» ЁИХ Марказий кенгаши Ўзбекистон бадий академияси билан ҳамкорликда ёшларнинг экологик ма-

даниятини ошириш ва экологик муаммоларга муносабатини шакллантириш мақсадида 2011 йил март ойида «Экология ва ёшлар» мавзусида кўргазма ташкил этилиб, 50 га яқин ижод намуналари асосида ижтимоий ролик тайёрланди.

Шу ўринда Ҳаракатнинг Бирлашган Муҳолатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда тайёрланган «Мингйиллик ривожланиш мақсадлари: мулоҳаза, муносабат ва таҳлил» фильмига эътиборинингизни қаратишдан олдин ушбу лойиҳа ҳақида қисқача.

Маълумки, Президентимиз Ислам Каримовнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган БМТ саммитида сўзлаган маърузасини ёшлар орасида кенг тарғиб этиш мақсадида ўтган йили 18-30 октябр кунлари барча ҳудудда «Мингйиллик ривожланиш мақсадлари: мулоҳаза, муносабат ва таҳлил» лойиҳаси амалга оширилган эди.

Лойиҳанин ҳудудлардаги босқичида Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказнинг масъул ходимлари ҳамда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман) минақаваий вакиллари, хуқуқий муҳофаза қилувчи орган ҳамда вилоят ҳокимликлари ходимлари иштирок этишди.

Лойиҳани амалга оширишда

«Камолот» ЁИХ томонидан Андижон, Фарғона, Наманган ва Тошкент шаҳарларида ёшлар ўртасида «Мингйиллик ривожланиш мақсадлари» Дастурини биласизми? мавзусида ижтимоий сўров ўтказилди. Унда қарийб 200 нафар ёшлар иштирок этишди. «Камолот» ЁИХ ҳамда БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида тайёрланган юқоридаги фильм ҳам ушбу лойиҳа мевасиди.

Авалло, Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эътибор қаратилган бўлиши мумкин, аммо бу — ўта қашшоқлик ва очликка барҳам бериш; умумий бошланғич таълимга эришиш; аёллар ва эркаклар тенглигини рағбатлантириш ва аёлларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтириш; болалар ўлимини қисқартириш; оналар саломатлигини яхшилаш; ОИБ, ОИТСга, беэга ва бошқа касалликларга қарши кураш; экологик барқарорликни таъминлаш ҳамда ривожлантириш мақсадида глобал ҳамкорликни шакллантириш. Шу тариқа бутун дунёда турмуш шароитини яхшилашга қаратилган, эришилши мумкин вақт билан белгиланган мақсадлар қамраб олинган.

Филм қизиқарли ва чуқур мазмунга эга. Айниқса, дунё мисоллари келтирилган таҳлиллардан ёқа ушлайсиз. Миллионлаб саводсиз, оч-яланғоч ўғил-қизлар, болалар ва оналар ўлими, аёл-

ларга нисбатан бешафқатлик, турли юқумли касалликлардан азият чекаётган ёки вафот этаётган инсонлар, ривожланган давлатларга қарам бўлган ўта қашшоқ давлатлардаги аҳоли... Бу каби лавҳаларни кўраркансиз, мамлакатимиз ёшларига яратилаётган кенг имкониятлар, уларнинг эркин таълим олиши, умуман, барча ҳақ-ҳуқуқлардан бемалол фойдаланаётгани беихтиёр фахр-ифтихор уйғотади.

Яна бир муҳим жиҳат, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, ёш тадбиркорларнинг тадбиркорлик фаолиятида келиб чиқадиган муаммо ва камчиликлар, тадбиркорликни бошламоқчи бўлган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида «Камолот» ЁИХ Марказий кенгаши томонидан самарали ҳаракатлар олиб борилмоқда. Ҳаракат ҳамда Ўзбекистон савдо-санъат палатаси ҳамкорлигида Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутатлари, Адлия вазирлиги, Солиқ қўмитаси, қатор тижорат банклари вакиллари ва тажрибали тадбиркорлар билан ёш тадбиркорларнинг «Ёш тадбиркор — келажак пойдевори» шиори остидаги давра суҳбати ташкил қилинди. Ҳаракатнинг ҳудудий ҳамда маҳаллий бўлими лари қошидаги «Ёшлар ижтимоий хизматлари» марказлари негизда 20 та «Ёш тадбиркор» консультатив марказлари координаторлари ва тренерлари учун ўқув семинари ташкил қилинди.

Дарҳақиқат, «Камолот» ЁИХ фаолияти кенг қамровли ва рангбаранг 6 млн.га яқин ёшларни сафига бирлаштирган Ҳаракат ёш авлод орзу-истакларини фаолиятда тўла қамраб олишга дадил интиломоқда. Бу эса ҳар лаҳзада самарасини бераётир.

Акmal ТОШЕВ, «Ishonch» мухбири

Insonga naf keltirish... Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi... Bosh muharrir: Abdusoliq Abdurazzoqov... Tahrir hay'ati: Normamat ALLAYOROV, Nosirox AKBAROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV... Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti... Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy... E-mail: ishonch2011@gmail.com

Оилавий тадбиркорлик

Гуллар шайдоси

Хосият опанинг асли касби ўқитувчилик. 20 йил Зангиота туманидаги 2-мактабда директор бўлиб ишлаган. Умрининг ҳар лаҳзаси гўзал деганларидек кексалик гаштини ҳаммага бирдек севимли, қизиқарли бўлган гул парварлишида деб билди. 8 сотихли ҳовлида ишни тўғри ташкил қилиб, дастлаб гулларни озгина

Мана беш йилдирки, ҳар хил кактуслар, колеуслар, фикуслар, яқобиния, пеларгония, колерия, аспаргас, санхесия, агава ва бошқа шу

каби гулларнинг санюига етиб бўлмайди. Оқунбобоев маҳалла фуқаролар йиғини рўйхатида у киши ҳам катта тадбиркорлар қаторида туради.

Лола, Насибохонлар «ойижон, уриниб қолманг», деб чарчайди. Лекин ўзлари ҳам тинч ўтиришмайди. Айниқса, қизим Фарангизнинг қизиқлишлари зўр. У ҳамма гулнинг исмини билади. Ўзи уларни мустақил тувакларга ўтказиб, ўстира олишидан қалбим қувончга тўлади.

Мақтаб ўқувчилари, ҳар хил ёшдаги қизқувчилар келганда, уларга гўзаллик улашаётганимдан ўзимни ниҳоятда бахтиёр ҳисоблайман. Бозорга олиб чиққанамизда гул мухлислари гулларингизни бир оз томоша қилсак майлими, деса ичимга сигмай кетаман. Ахир, инсон меҳнати кимгадир кайфият бахш этса, қандоқ яшши.

Комила БОЙМУРОВА, «Ishonch» мухбири



Хосият опанинг асли касби ўқитувчилик. 20 йил Зангиота туманидаги 2-мактабда директор бўлиб ишлаган.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 1999 йилда ташкил этилган «Ибн Сино» халқаро жамғармасининг асосий вазифаларидан бири: буюк аллома ҳаёти, ижоди ва таълимотини кенг омма, айниқса, ёшлар орасида тарғиб этиш ва уларни маънавий баркамол авлод руҳида тарбиялашдир.

Тасаввуримдаги ибн Сино

Камалиддин Бехзод мемориал боғ музейида «Ибн Сино» халқаро жамғармаси Ўзбекистон Бадий академияси билан ҳамкорликда аллома ҳаёти ва ижоди бағишланган «Ибн Сино менинг тасаввуримда» деб номланган ёшлар бадий кўргазмаси ҳам ана шу мақсадга хизмат қилди.

Унда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар ўрта махсус таълим бошқармаси, Ўзбекистон Бадий академияси тасарруфидаги олий ўқув юрталари, лицей ва коллежлар талаба ёшлари бобокалонимиз ҳақидаги ўз тасаввурларини бадий ижодларида акс эттиришди.

— Мустақилликка эришганимизга қадар миллий ўзлигини англашга панжа орасидан қараларди, — деди Камалиддин Бехзод номидаги боғ музейи директори ўринбосари Умиджон Турсунов. — 20 йил ичида бу масалада катта ижобий ўзгаришлар юз берди. Бунинг ҳаммаси юртимизда аждодларимиз меъроси ҳақидаги маънавий-маърифий ишларнинг кенг йўлга қўйилганлигида деб биламан.

Дарвоқе, дастлаб иштирокчиларнинг ишларини саралаб, энг яхшиларинингизга кўргаз-



мага қўймоқчи эдик. Аммо, ёшларимизнинг аллома ҳаёти ва ижоди бағишланган қизиқлини инобатга олиб, барча иштирокчиларнинг ижод намуналаридан фойдаландик.

Кўргазмада профессионал рассомлар ҳамда Ўзбекистондаги Франция элчихонаси вакиллари ҳам ўз ижодий ишлари билан иштирок этишди.

Назира БОЙМУРОВА, «Ishonch» мухбири, Муаллиф олган сурат



«Чўнтак»ларнинг қулоғига

Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини оширишга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бу жараёндан ҳўланган асосий мақсад инсон манфаатлари устувор юртда юксак даражадаги сервис шароитини яратишдан иборат. Турли маиший хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш шохобчалари қаторида хайдовчиларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган автотурагохлар фаолияти ҳам тақомиллашиб бораётир. Номин рўйхат сўнига келтирилган масканлар фаолиятида ҳамма хизматлар ҳам кўнгилдагидекиман, деган иштибоҳли савол туғилиши табиий. Чунки кунда-кунора уларнинг хизматидан фойдаланишга тўғри келади (Сабаби ҳам оддий: мустақилликка қадар ўч юз-тўрт юз хонадонли қишлоқларда атиги тўрт ёки беш кишида машина бўлган бўлса, ҳозир ҳар ўн фуқароннинг даярли тўрттасида шахсий автомобиль бор).

Халқники ҳаққа етгай!

Бозорга борасиз, харажатингизни қилиб, қайтиб чиқсангиз, «стойнка ҳақи» учун камида беш юз сўм сўрашади. Истирохат боғига борднинг дейлик, яна ўша ҳолат: рулга ўтиришингиз билан тепангизда бирортаси пайдо бўлади-ю, «Пулни бериб кетинг» дейишга ҳам эрингандек, индамай қўлини узатади. Сиз ҳам индамай, чўнтагингизга қўл суқасиз. Индамай-сиз, аммо оғринасиз. Оғринасиз-у, «оч қорнин» — тинч қулогим» дегандек йўлингизда давом этасиз. Аммо қачонча?.. Бераётган пуллариңиз қайёққа кетаётгани ҳақида ҳам ўйлаб кўринг. Давлат хазинасига дейсизми? Агар шундай бўлса, бу жуда яқши. Демакки, шу пул ҳеч қанча ўтмай, ўзингизга маош, отанонгизга нафақа пули сифатида қайтиб келишига ҳам ишонасиз. Шу ишончингизга пултур етказмайдиган қилиб бир нарса сўрасам: шу бор бўлтур «стойнка» назоратчилари қўлидан неча марта чек олгансиз? Ахир, чек пулингизнинг охириги манзили кимларнингдир тўлса ҳам қапаймайдиган чўнтақлари бўлиб қолишидан сақловчи ягона восита-ку!

Ўқувчиларимиз «муаллиф тараққийта пессимистларча ёндашибди» дея хулоса қилмасликлари учун бир неча автотурагохга ташриф буюрдик. Йўлимиз аввали Тошкент — Наманган йўналиши бўлганлиги учун Қўйлик даҳасидаги «пятак» дамиз (Хозир бу сўз мазмунан (пятак — тангадай (тор) жой; кичкина жой, майдонча) мазкур объектларга мўтлақоқ мос келмасе-да, ўқувчига тушунарли бўлиши учун шу атамда тўхтадик). Биз ўтирган машина дарвозадан чиқибди билан бир йигит пайдо бўлди-ю, хайдовчидан турароҳ ҳақини олиб қолди. Қизиги, унинг эгдани на иш қийими, на ўзини танитувчи бирор ҳужжат, на хизмат кўрсатувчи корхона белгиси кўринарди. Шу пайтагача йўлга отланганлардан олиб қолган пуллар устига навбатдагисини қўшаркан, унинг чек беришини хоҳлаганда ҳам имконияти мавжудлигига далил топа олмадик.

Шунга ўхшашроқ ҳолат билан Наманган — Тошкент йўналишининг боши Наманган шаҳридаги турароҳда ҳам тўқнаш келдик. Авжи қурилиш ишлари кетаётганига қарамай, хизмат кўрсатиш имкон қадар йўлга қўйилган. «МММ-Меҳмондўст» хусусий корхонаси бу борада қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Худуддан чиқиб кетаётган машина, хайдовчи ва йўловчиларни рўйхатга олиш китоби мавжуд. Махсус гувоҳномани қўсиға тақиб олган ходимлар бу ишни баҳоли қудрат амаллаб келишмоқда. «Баҳоли қудрат» дейишимизнинг сабаби айрим автомобиллар китобга киритилмай қолиб кетиши ҳам «мум-

кин» экан. Иш жараёнини бироз қузатиб турганимизда, уларнинг нафақат китобга киритилмай қолаётгани, балки 1500 сўм санаб берганларидан кейин ҳам чекка эга бўлмоётганларига гувоҳ бўлдик. Бу эса тушунинг ҳаммаси ҳам инкассация қилинмаётганидан далолат.

Гарчи назоратчи кассир Комил Собитовнинг бу фикримизга қатъий эътироз билдирилганига қарамай, бизга берган тушунтириш хатида «соат 15дан 16 дақиқа ўтган чоғда 2011 йил 6 сентябр ҳолати учун 15 та автомашина йўловчилари билан қайд этилган»лиги битилган. Корхона бош бухгалтер Раҳимжон Усмоновнинг маълум қилишича, турароҳдан бир кунда ўртача 60-70 тача машина йўловчи билан Тошкентга йўл олади. Айни шу йўналишда бир неча йилдан бери қатнайдиган тажрибали хайдовчиларнинг кўрсатишича, бу рақам 130-150 орасида бўлар экан. Яна ким билади, дейсиз!

Хусусий корхона мукаммал лойиҳаланган турароҳ барпо этиш учун қурилиш ишларини кенг қамровда олиб бораётганини таъкидлаган эдик. Қурилиш ниҳоялангач, маҳобатли яна бир объект шаҳар хуснига ҳусн қўшади. Бу жараёнини тезлатишда қурувчиларга овқатланишни ташкил қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Улар учун кафетерий ишлаб турибди. Унинг махсуслотларидан нафақат қурувчилар, балки «МММ-Меҳмондўст» хусусий корхонасининг 11 нафар ходими, йўловчи ва хайдовчилар ҳам фойдаланишмоқда. Буни қарангки, мазкур савдо шохобчасида ҳам ҳеч қандай НКМ мавжуд эмас.

Энг ачинаганимиз, худудда мавжуд, пештоқига икки қарра «МАТБУОТ» деб битилган қўчма дўкандан салқин ичимликлар сотишда фойдаланилаётгани бўлди. Энди газета-журналларни «Салқин ичимликлар» дўконида изласак керак... Наҳора?!

Келтирилган ҳолатларга қандай ёндашишни муштарайларимизнинг ҳуқмига ҳавола этамиз. Мақола орқали фақат шу ёрлардагина камчиликлар бор, дейишдан ҳам ийроқмиз. Чунки бу каби ҳолатлар Сизнинг ҳам атрофингизда содир этилаётган бўлиши мумкин. Энг муҳими, уларни бартараф этишга тезроқ киришимиз эмас, демократик давлатнинг ҳар бир фуқароси юрак амрига айлиниши шарт. Шундагина давлатнинг ҳақини асраб қолган бўлаемиз. Давлатнинг маблағи — халқ муқими. Халқ пулини совуриш ҳуқуқи эса ҳеч биримизга берилмаган.

Дилдора РАҲМОНОВА, «Ishonch» мухбири

Газетанинг навбатдаги сони 15 октябр, шанба кунини чиқади.